

**ЎҚИТУВЧИННИГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ ВА
ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

Тошкент тумани, 27-мактаб она тили ва адабиет

фани уқитувчиси

Холиқова Анора Абдисатторовна

Аннотация: Замонавий ўқитишининг ўзига хос хусусиятлари, интерактив методлар, инновацион технологияларнинг ўрни ва таъсири, технологик харитаси акс этган. Шунингдек, ўқув жараёнини самарали ташкил этишининг асосий тамойиллари, йўллари, усуллари, шакллари, воситалари аниқланган. Энг муҳими ўқитувчининг инновацион фаолияти ва таълим технологиялари юзасидан илмий тавсиялар берилган.

Аннотация: в статье отражены особенности современного обучения, интерактивные методы, место и влияние инновационных технологий, технологическая карта. Также определены основные принципы, пути, методы, формы, средства эффективной организации образовательного процесса. Наиболее важными являются научные рекомендации по инновационной деятельности учителя и технологии обучения.

Abstract: the article reflects the characteristics of modern teaching, interactive techniques, the role and impact of innovative technologies, technological map. Also, the basic principles, ways, methods, forms, means of effective organization of the educational process are identified. The most important thing is given scientific recommendations on the innovative activity of the teacher and educational technology.

Ёш авлодга таълим ва тарбия беришни мувафақиятли ҳал этиш ўқитувчига, унинг ғоявий эътиқоди, касб маҳорати, истеъододи ва маданиятига боғлиқ. Бу ғоят мураккаб ва масъулиятли вазифани амалга

оширишда ўқитувчи қандай ўқитиши кераклигини назарий-амалий жиҳатдан билиши лозим. Маълумки, ўқитувчининг педагогик маҳорати, асосан дарсда кўринади. Ўқитувчилик - катта санъатдир. Бу санъатга ўқитувчилик касбига чинакам мураббий бўлишга ҳаваси, иштиёқи зўр, замон талабларини тез ва чуқур тушунадиган, ўзининг илмий, ижтимоий-сиёсий савияси, педагогик маҳоратини изчиллик билан амалга ошириб борувчи, мустакиллик ғояси ва мафкураси билан пухта куролланган ҳақиқий ватанпарвар ва меҳнатсевар инсонларгина эриша оладилар. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўқитувчининг шахсий фазилатлари: ахлоқий баркамоллик, яъни саховатпешалик, меҳрибонлик, талабчанлик, маънавий поклик, қаноатлилик, ростгўйлик, садоқатлилик, покизалик, зийраклик, андишалилик, вазминлик, сабр-бардошлилиги билан бирга унинг касбий фазилатлари: ўз соҳасининг пухта билимдони бўлиб, ўзининг нутқ маданиятига кўра, теварак-атрофдаги инсонларга намуна бўла олиши муҳимдир.

Табиийки, моҳир ўқитувчи ўзининг шахсий фаолиятини ўзи таҳлил этиб боради. Педагогик компетентлигини ривожлантириш учун фаолият давомида педагогик вазифа ва мақсадларини ўзгартириб, янги вазифаларни қўллаш асосида ўқувчи шахсига моҳирлик, донолик, ижодий дадиллик, чуқур илмий тафаккур билан ёндашади. Педагогик маҳорат ва компетентлик ўқитувчидан қатъият, тиришқоқлик, тадқиқотларни олиб боришга интилиш, янги вазиятга мослашиш, самимийлик, тўғрилик, ҳалоллик, куч, ўткир ақл-идрок талаб этади.

“Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган мухит ва шароитларни яратишимиш керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни

тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим.

Ушбу мақсад йўлида ёшларимиз ўз олдига катта марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади^{1”}.

Бугунги кунда ўқитувчи маънавий жиҳатдан соғлом ва кенг фикрлай оладиган, ўз миллий қадриятлари, урф-одатлари ва миллатимизнинг буюк сиймолари ҳаёти ва ижодий меросини теран билиши лозим. Айниқса, миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиз, қадриятларимиз асосида давлатимизнинг буюк келажаги бўлган ёш авлодга чуқур билим беришда ўқитувчи юксак қобилият ва ишчанлик билан онгли, ижодий ёндашув асосида таълим-тарбия жараёнига методик билимларини самарали қўллай олиши керак. Бунинг учун ўқитувчидан қуйидаги бурч ва масъулияtlар талаб этилади:

- энг аввало, ўқитувчи юксак ҳис-туйғу ва тажриба, нотиқлиқ санъатига эга маданиятли „маърифатли, ижодкор, таълим-тарбия фаолиятида ташаббускор ва ёш авлод келажаги учун жавобгар шахс бўлиши;
- ўқитувчи ўз меҳри, эстетик ҳис-туйғуларини ҳар лаҳзада ёшлар ички дунёси билан боғлай олиши ва уларнинг меҳри, ҳурматига сазовор бўлиши;
- ўқитувчи жамият ижтимоий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар моҳиятини чуқур англаб етиши ва уларга холисона баҳо бера олиши;

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 30.12.2020.

- замонавий ўқитувчининг илм-фан, техника ва ахборот-коммуникацион технологиялар янгиликлари ва ютуқларидан хабардор бўлиши;
- ўқитувчи ўз мутахассислиги бўйича чукур ва пухта билимли бўлиши ва барча фанлар интеграциясини ўзлаштириб, ўз устида тинимсиз илмий изланишлар олиб бориши;
- ўқитувчи педагогика ва психология фанларининг асосларини пухта билиши, ёшларнинг психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда таълим-тарбия фаолиятини ташкил этиши;
- касбий педагогик фаолиятида таълим ва тарбиянинг энг самарали замонавий шакл, метод ва воситаларидан унумли фойдалана олиш имкониятига эга бўлиши, коммуникатив лаёқат, педагогик техника қоидаларини чукур ўзлаштириб бориши;
- ўқитувчининг кийиниш маданияти ўзига хос бўлиши, яъни содда, озода, бежирим кийиниши;
- ўқитувчи таълим муассасаси ва соҳасида энг фаол бўлиши, ўзида педагогик мулоқот жараёни ва маҳоратнинг бир қатор сифатларини узлуксиз таркиб топтириб бориши;
- энг муҳими ўқитувчи мулоҳазали, босиқ ҳолда ҳар қандай педагогик вазиятни тўғри баҳолай олиши ҳамда мустақил равишда мавжуд зидиятларни бартараф этишининг уддасидан чиқиши лозим. Ўқитувчилар унутмасликлари керакки, кучли билим, касбий методика ва оддий инсоний фазилатлардан иборат учта хусусият бирлашиб ўқитиш жараёнининг пировард натижасини белгилайди. Ижодий ишловчи педагог янги услублар кашф этади ва янада яхширок таълим ва тарбиявий самарага эришади. Ҳозирги кунда замонавий ўқитишнинг интерактив методлари, инновацион технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Интерактив методларнинг ўзига хослиги шундаки, унда педагог ва талабанинг биргаликдаги фаолияти амалга оширилади. Ўқитувчи ҳар бир дарсни яхлит ҳолатда кўра билиши ва уни тасаввур этиши учун бўлажак дарс жараёнини

лойиҳалаштириб олиши лозим. Ўқитувчи томонидан бўлажак дарснинг технологик харитаси ҳар бир фаннинг хусусияти, талабаларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда ранг-баранг, қизиқарли, аввалдан пухта ўйлаб тузилган бўлиши лозим. Бунинг учун ўқитувчи жуда кўп методлар, усусларни билиши керак бўлади. Дарснинг технологик харитасини қай кўринишда ёки шаклда тузиш бу ўқитувчининг тажрибаси, қўйган мақсади ва педагогик маҳоратига боғлиқ. Технологик харита қандай тузилган бўлмасин, унда дарс жараёни яхлит ҳолда акс этган бўлиши ҳамда аниқ белгиланган мақсад, вазифа, кафолатланган натижа, дарс жараёнини ташкил этиш технологияси тўлиқ ўз ифодасини топган бўлиши керак.

Педагогнинг инновацион фаолияти – бу ўз ичига янгиликни таҳлил этиш ва унга баҳо бериш, келгусидаги ҳаракатларнинг мақсади ва концепциясини шакллантириш демакдир. Инновацион фаолиятни тўғри ташкил этиш, таълим жараёнида юзага келган муаммоларни аниқлаш, ҳал этиш, унга доир қарор қабул қилиш ҳамда танлаб олинган қарорни амалга ошириш ва уни баҳолаш имконини яратади, муаммоларни эса самарали ҳал этади. Янги педагогик технологияларнинг хислати шундаки, унда қўйилган мақсадларга эришиш кафолатини берувчи ўкув жараёни режалаштирилади ва амалга оширилади.

Инновацион таълим ўқитувчи фаолиятини янгилаш, таълим-тарбия жараёнини мақбул қуришга, ёшларда ҳур фикрлилик, билимга чанқоқлик, Ватанга содиқлик, инсонпарварлик туйғуларини шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатади. Ўқув жараёнини самарали ташкил этилиши ўқитувчининг инновацион фаолияти, ғоявий эътиқоди, касб маҳорати, истеъдоди ва маданиятига бевосита боғлиқ. Ҳозирги кунда шиддат билан ривожланаётган замон ҳар биримиздан доимо изланиб, ташаббус кўрсатиб, янгича ишлашни талаб этмоқда. “Бугун ҳар бир ўқитувчи ва тарбиячи, олийгоҳ домласи таълим ва илм фан соҳасидаги энг сўнгги ижобий янгиликларни ўкув жараёнларига татбиқ эта оладиган, чуқур билим ва

дунёқараш эгаси, бир сўз билан айтганда, замонамиз ва жамиятимизнинг энг илғор вакиллари бўлишлари керак²”.

Инновацион фаолиятда энг муҳим масалалардан бири-ўқитувчи шахсидир. Ўқитувчини инновацион фаолиятга тайёрлашда янгиликларни идрок этишга инновацион шайликни шакллантириш ва янгича ҳаракат қила олишга ўргатиш йўналишлари муҳимдир. Инновацион фаолият-педагогнинг ўз касбини такомиллаштиришдаги мавжуд шакл ва воситаларни эгаллашга ижодий ёндашувини назарда тутади. Инновация ўқув жараёнига янгилик олиб кириш, ўқув жараёнини ўқувчи эҳтиёжи, хоҳиши ва истакларига мослаштириш, ўқувчини мустақил мутолаага ўргатиш демакдир. Инновация – амалиёт ва назариянинг муҳим қисми бўлиб, ижтимоий-маданий обьект сифатларини яхшилашга йўналтирилган ижтимоий субъектларнинг ҳаракат тизимида шаклланган янгича ёндашувдир. Улар ташаббуслар ва янгиликлар асосида туғилади ва таълим мазмунини ривожлантириш учун истиқболли бўлади ва таълим тизими ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Инновация – маълум бир фаолият майдонидаги муаммони ечиш учун янгича ёндашув ёки янги технологик жараённи қўллаш, олдингидан анча муваффақиятга эришишга олиб келиши маълум бўлган охирги натижа сифатида ўқитувчи ва ўқувчининг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижага ҳамкорликда эришишлари учун олдиндан таълим жараёнини лойиҳалашдир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бозор муносабатларини жорий

этишни ўзининг стратегик вазифаларидан бирига айлантириди. “Бугунги кунда дунёда инновацион ғоясиз, илм фан ютуқларисиз биронта соҳанинг ривожланиши мумкин эмас³” Шу нуқтаи назардан шахсда инновацион тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш усусларини ижтимоий

²Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишлиланган тантанали маросимдаги нутки. “Ўқитувчи ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суюнчимиздир”. 30 сентябрь 2020 йил.

³Мирзиёев Ш.М. Миллий тараккиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1 том. -Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2017. 85 б.

фалсафий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда илмий назарий аҳамиятга эга бўлган хуносаларни ишлаб чиқиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Маълумки, инновациянинг мақсади – сарфланган маблағ ёки кучдан энг юкори натижа олишдан иборат. Таълим тизимидағи ҳар қандай янгилик инновация бўла олмайди. Агар фаолият қисқа муддатли бўлса ва яхлит тизим хусусиятига эга бўлмаса, ўз олдига муайян тизимдаги фақат баъзи элементларини ўзгартиришни вазифа қилиб қўйган бўлса, у ҳолда биз новация билан мулоқот қилаётган бўламиз. Агар фаолият маълум концептуал ёндашув асосида амалга оширилаётган бўлса ва унинг натижаси ўша тизим ривожланишига ёки унинг принципиал ўзгаришига олиб келсагина инновация дея оламиз. Ҳар иккала тушунча мезонлари қуидагича: новация амалдаги назария доирасида амалга оширилади, кўлам ва вақт бўйича чегараланади, методлар янгиланади ва натижаси аввалги тизимни такомиллаштиради. Инновация эса тизимли, яхлит ва давомли бўлади, маълум амалиётда янги фаолият тизимини лойиҳалайди, амалиёт субъектлари позицияларини тўла янгилайди. Бунда фаолиятнинг янги йўналишлари очилади, янги технологиялар яратилади, фаолиятнинг янги сифат натижаларига эришилади, натижада амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 30.12.2020.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишлиланган тантанали маросимдаги нутқи. “Ўқитувчи ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суюнчимиздир”. 30 сентябрь 2020 йил.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. 1 том. -Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2017. 85 б.